БИРДАМЛИК ТАНТАНАСИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 104 (20. 371) • 1989 йил 3 май, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

ЗАФАРЛАР ВА ОРЗУ-УМИДЛАР БАҲОРИ

Қизил майдонда Биринчи Май намойиши

Қайта қуришнинг бешинчи баҳори бепоён Ватанимиз бўйлаб кенг одим ташламоқда. Совет кишилари бу йилги Биринчи Майни жамиятимиз турмушининг барча томонларини янгилашга доир дадил, кенг миқёсли режаларни амалда рўёбга чиқариш учун зарур бўлган ғайрат-шижоат тўлиб-тошган ҳолда кутиб олмоқдалар.

Революцион ўзгартишлар 1985 йилнинг тарихий апрель маррасидан бошланган эди. Ана шу ўзгартишлар партиянинг ташаббусига биноан миллионларнинг астойдил бунёдкорлик меҳнати билан амалга оширилмоқда. Меҳнаткашлар турғунлик давридаги лоқайдликни улоқтириб ташлаб, қаддини ростлаб олиб, ўз тақдирининг соҳиблари, ўзларининг ҳозирги куни ва келажаги бунёдкорлари, деб тўла-тўкис ҳис эта бошладилар. Тобора чуқурлашиб, кучайиб бораётган демократиялаш, ошкоралик, экономикани соғломлаштиришга, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган қатъий чора-тадбирлар бунинг гаровидир. Совет кишилари янгиланган ва инсонпарварлик қиёфасидаги социализмни қатъий ёқлаб фикр билдирганликларининг боиси ҳам мана шундадир, бундай социализм инсонни ҳақиқатан ҳам улуғлайди, унинг манфаатларига хизмат қилади, деб таъкидлади М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида.



МОСКВА. 1989 йил 1 Май. Суратда: В. И. Ленин Мавзолейида. (ТАСС фотоси).

СССР халқ депутатларининг сайлови социалистик демократиянинг, халқ ҳокимияти системамизнинг кучини яна бир бор тасдиқлади. Сиёсий ислоҳотни ва жамиятни демократиялаштирни ривожлантириш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлида катта қадам қўйилди.

Сайлов чоғида совет халқи қайта қуришни янада чуқурлаштиришни, уни амалга оширишга яна ҳам қатъийроқ ва дадилроқ ёндашишни, турмушимизнинг барча соҳаларида яхшилик сари тезроқ ўзгаришлар бўлишини қаттиқ ёқлаб, фикр билдирди. СССР халқ депутатларининг бўлажак съезди сиёсий ислоҳотнинг янги, ҳал қилувчи қадамига айланишига мамлакат меҳнаткашларининг ишончи комил дир. Мана шу съездда ҳокимият олий органлари тузилади, уларнинг ишлаш тартиби белгиланади.

Майнинг биринчи тонг отарида кўркамлашиб, ёшариб кетган Москванинг байрамона либоси ана шу кайфият ва ҳис-туйғуларнинг ҳаммасини акс эттирди. Қизил майдон. К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин портретлари, тарихда биринчи меҳнаткашлар давлатининг нишони — Ўроқ ва Болға туширилган панно майдоннинг улуғвор ансамблини безаб турибди. Сенат минорасида — СССР Герби, Кремль девори бўйлаб — қардош иттифоқдош республикаларнинг Герблари, ранг-баранг миллий нақшлар кўзга ташланади. Кўп дан-кўп қизил байроқлар билан ўралган СССРнинг Давлат байроғи баҳор шамолида ҳилпираб турибди.

Совет кишилари фахр билан «СССР — умумий хонадонимиз» демоқдалар. Иттифоқдош ва автоном республикаларни, автоном областлар ва округларни ривожлантиришнинг тарихий, социал-иқтисодий ва маданий хусусиятларини эътиборга олиб, миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш — қайта қуришнинг муҳим вазифасидир. КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга бағишлаб ўтказиладиган Пленуми жамоатчиликни астойдил қизиқтирмоқда, шу Пленумга катта умид боғланмоқда.

Ҳозир жойлардаги партия ва совет органлари социал соҳадаги, миллий маданият ва тил, экология сохаларидаги ўткир масалаларни ҳал этиш юзасидан катта иш олиб бормоқдалар.

... Ҳаваскорлар оркестрларининг куйлари майдон узра байрам таронаси бўлиб янграйди. Меҳмонларга аталган минбарлар лиқ тўлган. Бу ерда партия ва меҳнат ветеранлари, Октябрь революцияси, Граждан урушн ва Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, таниқли олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, космонавтлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари бор эдилар.

Юздан зиёд мамлакатдан касаба союз ва ишчилар ҳаракатининг, жаҳон касаба союзлари федерациясининг, бошқа халқаро ташкилотларнинг делегациялари, кўпдан-кўп чет эллик меҳмонлар Биринчи Май тантаналарига келдилар.

Чет давлатларнинг Москвадаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳозир бўлишган.

Эрталаб соат 10. М. С. **Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов** ўртоқлар В. И. Ленин Мавзолейининг марказий минбарига кўтариладилар.

Таниқли совет ҳарбий бошлиқлари ҳам шу ерда эдилар.

(Давоми иккинчи бетда).

Миллионлар ишончи:

ҚАЙТА ҚУРИШ МУСТАҲКАМЛАНАДИ ВА РИВОЖЛАНАДИ

Тошкентда меҳнаткашларнинг байрам намойиши

ТОШКЕНТ, МАЙ, ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ БЕШИНЧИ БАҲОРИ. Ҳаётимиз яна кўкламнинг анвойи чечаклари билан безалди, кўнгилимиз ҳам баҳор осмонидек мусаффо. Биз мамлакатимиздаги қайта қуришнинг бешинчи баҳорига етдик. Қайта қуриш жаҳон халқларининг тилига тушди: Ер юзи аҳли кўкси қайта қуриш туфайли эзгу орзуларга тўлиб турибди. Беш қитъа меҳнаткашлари мамлакатимиздаги революцион ўзгаришлар халқаро иқлимни яна илитади, деб кутиб турибдилар. Бунинг учун ҳамма асос бор, чунки қайта қуриш жараёнларининг дастлабки нишоналари ана шу орзу-умидларнинг асосли эканлигини кўрсатиб турибди. Турли давлатларда мамлакатимизга муносабатнинг ўзгариши — партия ташаббуси билан ҳаётимизни тубдан қайта қуриш юзасидан бошланган жуда улкан ишларнинг асосий натижаларидан биридир.

1985 йилнинг апрели мамлакатимиз тарихига ўчмас саҳифа бўлиб кирди. Ўша апрель жамиятимиз тараққиётида туб бурилиш содир бўлган ойдир. КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларида биринчи бор тилга олинган қайта қуриш сўзи кейинчалик КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ҳужжатларида ва ишламаларида ривожлантирилиб, мустаҳкамланди. Ўтган йиллар мобайнида ҳаётимизда кўп нарсалар ўзгарди — демократиялаш, ошкоралик ниҳоят, кундалик турмушимизнинг реалликларига айланди. Аммо, иқтисодий тўкин-сочинлик реалликка айланиши, миллий маданиятлар эркин ривожланиши учун ҳаммамиз ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Қайта қуриш ғояларини астойдил қўллаб-қувватлаётган Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар, халқ хўжалиги барча тармоқларининг тез юксалиши учун куч-ғайратларини сафарбар этмоқдалар. Бу йўлда анчагина қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Баъзан эса бир ерда депсиниб турмаяпмизми, эгалланган марраларни бой бериб қўймадикми, деб ўзимизга ўзимиз савол ҳам бериб турибмиз. Бугун биз ҳаммамиз магазин пештахталарида ҳам қайта қуришнинг реал натижаларини кўришни истаймиз, навбат кутишлар ўтмиш бўлиб қолишини истаймиз, бизга дурустроқ хизмат қилишларини хоҳлаймиз. Нихоят, биз фаровонроқ яшашни истаймиз, лекин афсуски, бу ҳозирча рўёбга чиққани йўқ.

Тошкент, май, қайта қуришнинг бешинчи баҳори. Тошкент меҳнаткашлари Биринчи Май намойишига келажакка орзу-умид билан чиқмоқдалар. Орзу-умидлар асослидир, чунки, юқорида айтганимиздек, бу эзгу орзулар реалдир. Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг кўпчилиги шоир айтганидек, «Ғойибдан келажак бахт бир афсона», деб билмоқдалар. Бирон-бир киши келиб, ўзларининг ҳаётларини яхшилаб кетади, деб ўйламай, меҳнаткашларимизнинг ўзлари республика экономикаси ва ижтимоий тараққиётидаги тўнғунлик йиллари оқибатларини бартараф этиш учун ҳозир бутун куч-ғайратларини сарфламоқдалар.

Аминмизки, қийинчиликлар ўтиб кетади. Шу боисдан ҳам тошкентликлар, Ўзбекистон пойтахтининг асосий майдонидан шаҳдам қадам ташлаб ўтиш учун завод ва фабрикалар ҳовлиларида, қурилиш идоралари ва илмий-тадқиқот муассасалари ёнида, мактаблар ва институтларда шод-хуррамлик, байрамона кайфият билан тўпландилар.

Биринчи Май байрами арафасида Ўзбекистон Ахборот агентлигининг журналистлари неча ўнлаб тошкентликларга телефон орқали савол бериб жавобларини ёзиб олишди. Телефондаги ҳамсуҳбатимиз исми-шарифини айтиши шарт эмас эди, биз тошкентликлардан қуйидаги битта саволга жавоб беришни илтимос қилдик: Сиз қайта қуриш ғалабасига ишонасизми ва қайта қуришда шахсан ўзингиз иштирок этяпсизми? Агар, жавобларни жамласак умумий якун тахминан қуйидагича бўлади (биз, албатта жамоат фикрининг тўла-тўкислигига ва унинг илмий жиҳатдан асосланганлигига даъво қилмаймиз): саволга жавоб берган кишиларнинг кўпчилиги қайта қуриш тарафдоридир ва улар қайта қуришнинг ғолиб чиқишини истайдилар. Фикри сўралган одамларнинг кўпчилиги станок ёнида, қурилиш ҳавозаларида ишлашар экан, улар илгаригидан кўра кўпроқ ва яхшироқ меҳнат қилишимиз лозим, дейишмоқда.

Яшириб нима қилдик: «гўшт, колбаса йўқ, бозорда эса ҳамма нарса қиммат — шу ҳам қайта қуриш бўлдими» қабилида норози бўлиб айтилган гапларни ҳам эшитдик. Хўш, буни шунчаки бир асоссиз ношукурликка йўйиб қўяверса бўладими? Ахир, фактлардан юз ўгириб бўлмайдику, улар «Мана мен» деб турибди-ку. Норози одамларга айтадиган, аниқроғи яна бир карра эслатиб қўядиган гапимиз бор: «қандай яшаётган бўлсак, шундай яшаймиз». Тўғри, бугун Тошкент корхоналарида неча минглаб пешқадамлар меҳнат қилишмоқда, аммо, айни вақтда неча ўн минглаб кишилар «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» қабилида иш юритмоқдалар, улар ишга келиб кетяпманми, бас, деб ўйлайдилар. Аммо, статистика идорасининг маълумотлари ҳозир иш ҳақининг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ўсишидан анча илгарилаб кетганлигини кўрсатиб турибди. Демак, биз пулни олиб турибмиз. Аммо, худди ўша етишмаётган товарларни ишлаб чиқармаяпмиз. Ишлаб чиқараётган маҳсулотимизнинг сифати ҳам кўнгилдагидек эмас...

Тошкент, май, қайта қуришнинг бешинчи баҳори. Шаҳарда карнай ва сурнай наволари эшитилмоқда. Чилдирма чалинмоқда, духовой оркестр куйлари янграмоқда, шаҳарликларнинг колонналари Владимир Ильич Ленин номли майдонга қараб юра бошлади. Намойишчилар сафларининг безагида илгаригидек дабдаба, ҳашамат йўқ — хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи пул билан таъминлаш туфайли меҳнат коллективлари кўпроқ пул топишни ҳам, уни қаерга сарфлашни ҳам ўйлайдиган бўлиб қолишди. Эндиликда ҳеч ким ўйламай-нетмай неча юз ва минг сўмлаб маблағни ортиқча ҳашамга сарфлаб юбормаяпти, бу ҳашамнинг ўзи ҳам йилига бир ёки икки мартагина зарур бўларди, холос. Йўқ, бу хасислик эмас, балки чин хўжайинларнинг ҳисоб-китоби натижасидир, агар таъбир жоиз бўлса — замонамизнинг нишонасидир.

Ҳаммаёқни қурант садолари тутади. Тошкент вақти билан соат 10. В. И. Ленин номли майдондаги ҳукумат минбарида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Н. Нишонов, Д. Д. Берков, П. В. Догонкин, Ғ. Ҳ. Қодиров, Ш. З. Камолхўжаев, М. М. Мирқосимов, В. И. Огарок, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, А. С. Ефимов, Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари П. М. Абдурахмонов, А. Р. Отажонов, Қ. Ҳ. Маҳамадалиев, В. В. Сударенков, С. У. Султонова, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони И. В. Фуженко, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси А. С. Моргасов бор эдилар.

Меҳмонлар минбарларида одамлар гавжум. Бу ерга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, ревизия комиссиясининг аъзолари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари, илм-фан ва маданият арбоблари таклиф этилган. Кўпгина чет эллик меҳмонлар ҳам минбарларда туришибди. Булар орасида Афғонистон Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Монголия Халқ Республикаси бош консулхоналарининг, Куба Республикаси консуллик пунктининг, Ливия Социалистик Халқ Араб жамоҳирияси бош консулхонасининг намояндалари бор.


Фанфаралар янграйди, тантанали куйнинг дастлабки садолари таралади, театрлаштирилган спорт томошаси — байрам намойишининг ўзига хос муқаддимаси бошланади. Парадлар хиёбонига доирачилар, ноғорачилар кириб келишади. Ўзбек миллий либосларини кийган қизлар рақсга тушиб кетишди.

Ранг-баранг либослар кийган физкультурачилар саф тортиб туришди, ушбу саф орасидан чиройли қилиб безатилган ҳамда «КПСС XXVII съезди», «Май», «Тошкент» сўзлари ёзилган машиналар ўтади. Шундан кейин майдонга партия, уруш ва меҳнат ветеранларининг колоннаси, Ўзбекистоннинг ифтихори бўлган кишилар кириб келишади. Уларнинг кўкракларида орден ва медаллар ялтираб турибди. Кекса авлод эл-юртнинг оғир юкини кўтарди, улар биринчи совет беш йилликлари режаларини бажардилар, Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакатни кўкракларинк қалқон қилиб ҳимоя қилдилар. Вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш учун урушдан кейин ҳам баракали меҳнат қилдилар. Кўпчилик ветеранлар ҳозир ҳам Ватан бахт-саодати йўлида меҳнат қилмоқдалар, революциянинг олий мақсадларига чексиз садоқатларини намоён этмоқдалар.

Тошкент, май, қайта қуришнинг бешинчи баҳори. Намойиш бошланиши олдидан биз Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон республика кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов билан суҳбатлашдик. У бундай деди:

— Яқинда СССР халқ депутатлари сайлови бўлди. Сайлов демократиялаш ва ошкоралик шароитида халқимизнинг фаоллиги ниҳоятда ўсиб кетганлигини намойиш этди, демократиялаш ва ошкоралик мамлакатда партия ташаббуси билан ўтказилаётган қайта қуришнинг асосий омилларидир. Одамлар социал-иқтисодий, миллатлараро муаммолар ва бошқа муаммоларни ҳал этишнинг аниқ-равшан йўлларини кўрсатиб бераётган кишилар учун овоз бердилар. Сайловолди кураши чоғида фаол ишлаган халқ депутатлари бундан буён амалий ишда ҳам

(Давоми иккинчи бетда).



ТОШКЕНТ. 1989 йил 1 Май. Суратда: В. И. Ленин номли майдонда байрам намойиши. (ЎзТАГ фотоси).

ЗАФАРЛАР ВА ОРЗУ-УМИДЛАР БАҲОРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Биринчи Май, совет халқи шарафига фанфаралар ва шарафловчи сўзлар янграйди. Пионерлар партия ва ҳукумат раҳбарларига гуллар тақдим этишади.

Байроқдорлар группаси байрам юришини бошлаб беради. Москва Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари А. И. Костенко Москва байроғини кўтариб олган. Меҳнат коллективларининг вакиллари шаҳар байроғи остида бормоқдалар. Булар орасида СССР халқ депутати, Москва бадиий соатлар заводининг бригадири Н. С. Глазков, Москва химия-технология институтининг проректори профессор Л. С. Гордеев, 785-мактаб директори, халқ маорифи аълочиси Ю. Г. Дремина, Москва геодезия, аэрофотосъемка ва картография инженерлари институтининг студенти М. Е. Фролов, 57-поликлиника бош врачининг ўринбосари Ю. М. Истомина, М. И. Калинин номли машинасозлик заводи йиғувчи-слесарларининг бригадири Х. Х. Галимов бор. Биринчи квартал якунларига кўра, социалистик мусобақада ғолиб чиққан пойтахт районларининг вакиллари бўлиш бугун уларга ишониб топширилган.

Пойтахт районларининг колонналари майдонга кириб келишади. Колонналарнинг жиҳозлари оддийлиги ва амалийлиги билан ажралиб турибди. Транспарант ва панноларда Москванинг меҳнат коллективлари КПСС XXVII съезди ҳамда XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорларини қандай амалга ошираётганликлари тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳаммага тушунарли бамисоли бир рисола тасвирланган-дек. Қайта қуриш одамларнинг зўр бунёдкорлик ғайрат-шижоатини, сўз билан ишнинг бирлигига эришиш, юксак пировард натижаларга тенглашиш иштиёқини жўш урдириб юборди.

— Сайлов кампанияси буни жуда яққол акс эттирди, ана шу кампания давомида совет кишилари номзодларнинг программаларига уларнинг турмушимиздаги бош вазифа — қайта қуриш иши учун амалий аҳамиятга қараб талабчанлик билан баҳо бердилар, — деди СССР халқ депутати, пайтахтдаги «Компрессор» заводи токарларининг бригадири **В. А. Лунев.** — Ишчилар синфи КПСС йўлини шунчаки ёқлаб овоз бермай, балки мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш учун курашга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш мажбуриятини ҳам зиммасига олди.

Коммунист Лунев, шунингдек, унинг пойтахт барча корхоналаридаги минглаб ўртоқлари, партия аъзолари ва партиясизлар ҳам олдинда катта иш турганлигини, шу боисдан енгил ғалабага умид қилишмаётганини биладилар. Аммо улар ўз кучларига ишонадилар ва истиқболни равшан кўриб турибдилар. Халқ партия йўлининг тантана қилишига эришиш учун жипслашди ва бунга халақит қилишга ҳеч кимнинг қурби етмайди.

Пойтахт Пролетар райони колоннасидаги транспарантга «Ишчилар ташаббусини бўғувчи нормативлар тугатилсин!» сўзлари ёзилган. Транспарантни москвалик кемасозлар кўтариб боришмоқда. Бюрократларни савалайдиган шиор ва карикатура яқинда корхонада мавжуд бўлган вазиятни жуда аниқ ифода этади, ўшанда меҳнат коллективи ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга отланишига тўғри келган эди.

— Бизга фойдадан ажратмаларнинг шундай нормативини барибир тасдиқлашлари учун кўп куч-ғайрат сарфлашимизга тўғри келди. Бундай норматив одамларнинг манфаатларини камситмайди, самарали ва сифатли меҳнатни рағбатлантиради, — деб шарҳлайди транспарантнинг мазмунини кемасозлик ва кема ремонти заводи партия комитетининг секретари **В. И. Соколов.** — Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услуби сарқитлари устидан қозонилган ғалаба, биз ниҳоят текисчиликка барҳам беришимизга, хўжалик ҳисобини экономикани соғломлаштиришнинг таъсирчан воситасига айлантира олишимизга одамларда ишонч уйғотди. Виждонан ишлаш эса бизнинг қўлимиздан келади.

Аммо кишиларнинг яна ҳам самаралироқ меҳнат қилиш маҳорати, истаги мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворга таянишни лозим. Партия туб иқтисодий ислоҳотни қайта қуришнинг икки асосий қисмидан бири, деб ҳисобламоқда. Бу ислоҳот халқ хўжалигида шундай шароитни яратиши керакки, у ходимнинг ташаббуси ва ижодкорлигини маъмурий-бюрократик кишанлардан узил-кесил халос этиши, фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга тезлик билан жорий қилиш, меҳнат коллективларининг, кооперативлар, ижарачиларнинг социалистик омилкорлиги кенг йўлини очиши лозим.

Ислоҳот ҳали ўзининг барча имкониятларини намоён этгани йўқ. КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил апрель Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, ислоҳотнинг ривожи кўпинча суст, зиддиятли тарзда бормоқда. Бироқ у узил-кесил ғалаба қозонишига қатъий ишонамиз. Бунинг бирдан-бир йўли — янада интенсив, янада малакали меҳнат қилиб, унинг пировард натижаларини кўзда тутишдир.

Байрам кунлари арафасида корхона стапелларида бу йилги биринчи янги туркумдаги «Луч» теплоходини йиғиш муддатидан илгари тугалланди. Кема синаб кўрилгандан кейин Иртиш дарё пароходчилигига топширилади. Пассажир ва юк ташишга мўлжалланган бу кеманинг сувга кам ботиши, чаққон ҳаракат қилиши Сибирдаги бошқа йўллардан узоқ бўлган колхоз ва совхозларга хизмат кўрсатиш қулайлигини таъминлайди. Москвалик кемасозлар қишлоқни социал қайта қуриш стратегиясини ишлаб чиққан КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб қайтармоқдалар.

— Қайта қуришнинг муваффақияти ғоят ўткир бўлиб турган озиқ-овқат муаммосини тезроқ ҳал этишга кўп жиҳатдан боғлиқдир, — деди машҳур публицист, СССР халқ депутати **Ю. Д. Черниченко.** — КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми озиқ-овқат таъминотининг сиёсий тусга эга эканлигини таъкидлади. Барча масалалар ўз-ўзидан ҳал бўлмайди, албатта. Қишлоқда ижарани ривожлантириш илғаригидек қандайдир бошлиқларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бутун-бутун идоралар, уларнинг раҳбарлари қишлоқ меҳнаткашлари устидан, ер устидан ҳукмронликни сақлаб қолишга уринмоқдалар. Улар ўзларининг ўрнини ҳеч ким боса олмаслигини исботлашга зўр бериб уринмоқдалар, амалий ишга халақит бермоқдалар. Бу эса одамларнинг жонига тегди, эндиликда конкрет, сезиларли натижалар керак. Ленин васиятларини бажариш, озиқ-овқат разверсткасини озиқ-овқат солиғи билан узил-кесил алмаштириш лозим.

— Бу йилги, юбилей шанбалигида мен эллигинчи мартга қатнашдим, — деди коллектив ветерани, фахрий темирйўлчи **В. Я. Лион.** Мана, йигирма йилдирки, Виктор Яковлевич пенсияда. Аммо у ҳар йили апрель ойида ўтказиладиган меҳнат шанбалигида жонажон коллективи билан, машҳур меҳнат коллективининг ёш авлоди билан ёнма-ён ишлайди. Москва ишчиларининг шони сўнмас анъанаси ана шундай.

Унинг асосий бойлиги — олтин фонди — биринчи уйсозлик комбинатининг электр пайвандчиси **П. Т. Хоркин** сингари кишилар, минг-минглаб камтарин оддий меҳнаткашлар, ўз ишининг усталаридир. У ўттиз йилдан ортиқ фаолияти даврида пойтахтнинг янги қурилиш районлари — Жанубий-Ғарб, Кузьминка, Лианозово, Марьино, Ясенево, Тушино, Тропарево районлари қад кўтарди. Эндиликда Матбуотчилар районини барпо этилмоқда.

— Қайта қуриш ва қурилиш сўзларининг ўзаги бир, — дейди Павел Тимофеевич. — Қайта қуриш эса энг аввало, ҳар бир кишининг топширилган иш учун жавобгарлигидир. Энг муҳими, ишда интизом ва уюшқоқлик бўлиши лозим. Буни ҳамма, жумладан, камчиликлар тўғрисида кўп ва баландпарвозлик билан гапираётган аммо уларни бартараф этиш учун ҳеч нарса қилмаётган кишилар ҳам тушунишлари зарур. Мен демократия, ошкораликни қўллаб-қувватлайман, бироқ ҳар бир кишининг умумий ишимизга қўшадиган ҳиссасининг ҳақиқий қиймати сўзлар билан эмас, балки амалий ишлар билан ўлчанади.

Ўз ишимни севаман, атрофимдаги кўплаб ўртоқларим ўз ишини севадиган, астойдил меҳнат қиладиган кишилардир. Ташкил этилганига яқинда ўттиз йил тўладиган комбинат билан тенгдош бўлган бригада бизни ана шундай руҳда тарбиялади. Ҳозир собиқ бригадиримиз, москвалик машҳур қурувчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Владимир Алексеевич Капустин тўғрисида гапирмаслик мумкин эмас. У ҳозир пенсияда. Биз коллективга раҳбарлик қилиш учун унинг шогирдларидан бири Владимир Иванович Дородницга ишонч билдирдик.

Бригадамиз Москвада биринчи бўлиб уйларни жадал монтаж қилишни бошлаб берган эди. Биз ҳозир ҳам жадал суръатлар билан ишлаяпмиз. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Партия икки мингинчи йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлаш вазифасини ўртага қўйди. Бу вазифани уддалаш осон бўлмаслигини биламан, аммо ана шу ишнинг ўзидан чиқишимизга аминман. Чунки Москва меҳнаткашларининг биз, қурувчилардан умиди катта.

Москванинг биздан умиди катта! Оғир уруш йилларида пойтахтни фашист ғалаларидан қаттиқ туриб ҳимоя қилган ва жаҳонни фашизм вабосидан қутқариб қолган солдатлар ҳам шундай дер эдилар. Олис Афғонистонда ўз солдатлик бурчимни адо этар эканман, ҳамиша жонажон шаҳримизни ёдда тутдим, — дейди **Николай Прохоров.** У ҳозир Москвадаги «Салют» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилмоқда.

Запасдаги катта сержант Н. Прохоров жангдаги мардлиги учун иккита Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланган. Николай Алексеевич Армия сафидан ўз жонажон бирлашмасига қайтгач, малакали слесарь бўлди ва зардоб меҳнати учун Ленин ордени билан тақдирланди. Коллективда коммунистни тўғри сўзлиги ва принципиаллиги учун, ўз ўртоқларига ҳамиша ёрдам беришга тайёрлиги учун ҳурмат қиладилар. Бирлашма ишчилари Н. Прохоровни Москва шаҳар халқ депутатлари Биринчи Май район Советининг депутати қилиб сайладилар. Биз собиқ интернационалчи жангчи билан бевосита бирам колоннасида суҳбатлашамиз.

— Мен қисмнинг жанговар байроғи билан хайрлашган пайтдан буён орадан бир неча йил ўтди, лекин назаримда бу гўё кечагина бўлгандек. Кўз олдимда саф тортган солдатлар, дўстларим Медведев, Петухов, Будовский ва бошқа кўпгина жанговар ўртоқларимнинг қиёфаси гавдаланади.

Мен хизмат муддатини бутунлай Афғонистонда ўтадим. Афғонистон — бизнинг фахримиз ва дардимиздир. Тўққиз йиллик уруш тарихга айланган бўлсада, биз ўтмишда йўл қўйган хатоларимиз ва берган талафотларимиз аламини, ҳозирги совет раҳбариятининг жасорати ва заковатини, янгича сиёсий фикрлаш тантанасини англаб етишимиз учун бу мавзуга ҳали кўп марта қайтамиз. Бутун дунё СССРнинг Афғонистондан қўшинларимизни бутунлай олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қарорига муносиб баҳо берди. Минглаб йигитларнинг ҳаёти қутқариб қолинди, оналар фарзандларининг дийдоридан баҳраманд бўлди. Аммо жафокаш мамлакатда ҳамон хунрезлик давом этаётганлигини эшитганингда, қалбинг зирқирайди. Бунга чек қўйиш зарур!

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз ўтказаётган тинчликсеварлик сиёсати бутун дунёда «қайта қуриш» тушунчаси билан боғланмоқда. Қурамиз келгусида барча ҳарбий можароларни дарҳол тўхтатиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган ташаббусларга Москвадан қудратли омил олди.

Биз бу даъватларни Совет Қуролли Кучлари сонини бир томонлама тартибда қисқартириш ва Варшава Шартномасига аъзо бўлган мамлакатлардан қўшинларни қисман олиб чиқиб кетиш йўли билан амалда тасдиқламоқдамиз.

Совет кишилари инсониятнинг бунёдкорлик, интеллектуал кучларини янада қудратли қирғин воситаларини вужудга келтиришга эмас, балки турмушимизни янада тўкинроқ, баркамолроқ қилиши лозим бўлган барча неъматларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиши мумкин ва зарур, деб ҳисобламоқдалар.

Ҳозирги вақтда мудофаа қувватларидан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланиш маъносини англатувчи «конверсия» сўзи истеъмолга тез кириб қолди. Бу ҳам даврнинг, қайта қуриш пайтининг эзгу нишонасидир.

Намойишчиларнинг байрам колонналарида Москвадаги М. В. Хруничев номли машинасозлик заводининг вакиллари боришмоқда. Корхонанинг кўпгина буюмлари магазинларга халқ истеъмоли моллари тариқасида олиб келинмоқда. Булар чанғилар, туристларнинг чодирлари, автотентлар, ошхона идиш-товоқлари, икки квартирали дала-ҳовли уйлари, болалар велосипедлари, чаналардир.

Биз журналистлар, ўтган йилги Биринчи Май репортажида ҳам қанчалик истамайлик, «почта ящиги» деб маҳфий ном билан аталган мана шу шонли ишчилар коллективи ҳақида ошкора гапириш имкониятига эга эмас эдик. Ваҳолонки, ҳозирги вақтда мана шундай корхоналар халқ истеъмоли моллари кўпгина турларининг қарийб эллик процентини ишлаб чиқармоқда. «Граждан» саноати ҳам мудофаа тармоқларининг қудратли ва самарали мададидан баҳраманд бўлмоқда.

Фақат баъзи рақамларни эслатиб ўтамиз: шу йилнинг ўзидагина СССРнинг ҳарбий корхоналарида 27 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. Бу шундай товарлар умумий ҳажмининг 7,5 процентига тенгдир. Ҳозирнинг ўзидаёқ мудофаа комплексимиз корхоналари маҳсулотининг 40 проценти тинч мақсадларга хизмат қиладиган товарлардир. 1991 йилда бу улуш эллик процентгача кўпайтирилади, 1995 йилга бориб эса 60 процентгача етказилади. Мудофаа саноатимиз юксак илмий-ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлиши билан бир вақтда, ҳозирдаёқ ўзининг техник ишланмаларининг бешдан тўрт қисмидан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланиши мумкин.

Чунончи, конверсия ҳарбий ишлаб чиқаришни қисқартириш ва тинчлик мақсадларига қаратишнигина эмас, шу билан бирга собиқ ҳарбий техникадан ҳалқ хўжалигида бевосита фойдаланишни ҳам кўзда тутади. Совет Иттифоқи Европада қисқартирадиган 10 мингта танкдан фақат ярми тугатилади. Қолганлари оғир юк тортадиган, ўт ўчирадиган машиналар, бульдозерлар сифатида ишлатилиб, улар тинчлик ишига хизмат қилади.

М. В. Хруничев номли заводнинг меҳнат коллективи тўғрисида гапирадиган бўлсак, у конверсия фаолиятни жадал суръатларда олиб бормоқда. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган цехлар учун ҳозирнинг ўзидаёқ ўн минглаб квадрат метр ишлаб чиқариш қувватлари ажратилди. Шу йилнинг охирига бориб, завод ходимлари 20,5 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаради.

Ҳа, ички бозорни товарлар ва хизматлар билан тўла-тўкис таъминлаш учун биз кўп иш қилишимиз керак. Лекин қайта қуриш мана шу ғоят муҳим социал вазифани ҳал этишга янги-янги кучларни сафарбар қилмоқда.

Шулардан бири — юзага келаётган кооператив ҳаракатидир. Москвадаги 3-темир-бетон буюмлар заводи колоннасида «Энергострой» кооперативининг раиси **И. Э. Пинсон** билан қисқача суҳбатлашдик.

— Корхона қувватларидан тўлароқ фойдаланиш учун унинг ҳузурида кооператив ташкил этилди. Биз дала-ҳовли уйлари пойдеворига ишлатиладиган темирбетон блоклар тайёрлаймиз. Шу йил баҳорда юзлаб москваликлар боғ участкалари қуришда ана шу блоклардан фойдаланишлари мумкин. Ҳар ойда ўн минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қиламиз. Истиқбол тўғрисида ҳам ўйлаяпмиз: ишлаб топилган маблағнинг анча қисмини корхонани ривожлантириш фондига сарфлаймиз, илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштиришда қатнашамиз.

Жамиятимиз янгича яшаш ва ишлашга, одамлар тўғрисида яхшироқ ғамхўрлик қилишга, ёрдамга муҳтож кишиларга раҳмдилроқ бўлишга ўрганмоқда. Биз байрам кунларида медиклар ҳақида кам ўйлаймиз ва афтидан, бу ҳам машъум «қолдиқ принципи»нинг оқибати бўлса керак. Шу туфайли бутун саломатлик хизматимиз, жумладан, пойтахт медицинаси ҳам ёрдам ва мададга муҳтождир.

Биринчи Май арафасида **А. М. Москвичев** шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи лавозимини эгаллади. У нималарни ўзининг биринчи галдаги вазифаси деб билади, унинг иш режалари қандай?

— Москвада қабул қилинган «Саломатлик» программаси амалга оширила бошланди. Унинг дастлабки бўғинларидан бири район поликлиникаларини мустаҳкамлашдан иборат. Уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, мунтазам етишмаётган мутахассис врачларни жалб этишдан иш бошладик, «оила врачи» принципи сингари ёрдам кўрсатишнинг илғор формаларини жорий этишни мўлжаллаяпмиз. Советлар, Москвадаги барча корхоналар ва ташкилотларнинг мададига таянамиз. Чунки одамлар саломатлиги — асосий капиталимиз бўлиб, уни биргаликдаги куч-ғайрат билан, москваликларнинг ҳозиргидан кўра яхшироқ турмуш шароитига эришиш йўли билан амалга оширишимиз зарур. Экология, маиший хизмат ва савдо соҳаси масалалари ҳам шулар жумласидандир. Мазкур соҳаларда ҳамон шаҳарликларнинг ўринли шикоятларини эшитиш мумкин. Ана шу соҳаларни яхшилаш, билан боғлиқ иш олға томон секин силжимоқда.

Байрам колонналарида спектакллар, фильмлар ва телевизион эшиттиришлар орқали бизларга таниш бўлган кишиларни ҳам кўриш мумкин. Бу бежиз эмас: қайта қуриш адабиёт, санъат оламини ҳам ўзига жалб этди. Санъаткорлар бугунги кунда бутун халқ билан биргаликда жамият турмушини янгилашда фаол иштирок этмоқдалар.

Навбатдаги суҳбатдошимиз — К. С. Станиславский номли Москва драма театрининг ёш актери **Наталья Мильниковадир.**

— Ҳозир сиёсат, иқтисод ва маданият яхлитлашиб узвий боғланган даврдир. Қайта қуришнинг интеллектуал потенциалини бойитиш тўғрисидаги партия даъватини мен инсоннинг маънавий дунёсини камол топтириш вазифаси деб тушунаман. Бунинг учун театр катта имкониятларга эга. Театр инсонни ўз ички дунёсига назар ташлашга, ўз хатти-ҳаракатларини, ўзининг ҳаётга муносабатини англашга кўмаклашади. Ахир мана шуларнинг ҳаммаси ишларимизнинг, хатти-ҳаракатимизнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Кундалик ҳаётимизда бизга кўпинча ана шу нарсалар етишмайди...

Биринчи Май кунида мамлакатимизнинг бош майдонида қанчадан-қанча суҳбат ва учрашувлар бўлиб ўтди! Совет кишилари 1985 йилнинг баҳоридан 1989 йилнинг баҳоригача бўлган йўлга назар ташлаб, ўзларини кувонтираётган ва ранжитаётган, уларга умид бағишлаётган ва уларни ташвишлантираётган ҳамма нарса тўғрисида ўйлашмоқдалар ва ошкора гапиришмоқдалар. Аммо энг муҳими, мана шундай ҳар бир суҳбатда мамлакатнинг, социализмнинг тақдири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган янгиланиш ишига астойдил содиқлик, бу ишга бутун куч-ғайратни сарфлашга тайёрлик сезилиб турди. Қайта қуриш, дейишди студентлар ва ишчилар, олимлар ва ҳарбий хизматчилар, биз танлаган муштарак йўл, умумий мақсадимиз ва орзу-умидимиздир. Қайта қуриш имкониятларидан одамлар бахт-саодати йўлида тўла фойдаланишга эришишимиз зарур. Биз учун бошқача йўл йўқ.

Москвакликларнинг салкам икки соат давом этган байрам намойиши ниҳоясига етади. Намойишчиларнинг сўнгги колонналаридан кейин Қизил майдонга байроқдорлар, улардан кейин физкультурачилар кириб келадилар.

Фанфаралар байрамнинг якунловчи қисми бошланганлигидан далолат беради. Бир вақтнинг ўзида бутун майдонда юзлаб ёш гимнастикачилар ва акробатлар ўз маҳоратини намойиш этиб, ранг-баранг шакллар ҳосил қиладилар. Чорқирра тош йўл бўйлаб жўшқин спорт рақси гўё гирдоб каби гавдаланади. Ёшлар янгиланиш ва умид, тинчлик баҳорини, Биринчи Майни мана шундай шарафлайдилар.

Қизил майдондан репортажни ТАСС махсус мухбирлари В. БЕЗБРЕЖНИЙ, Б. ГРИШЧЕНКО, М. ЗАХАРЧУК, С. САХНО, А. СУЛЬДИН, В. ШЕСТАКОВ, В. ЯНЧЕНКОВлар олиб бордилар.

РЕСПУБЛИКАЛАРДАГИ ТАНТАНАЛАРДА

Бизнинг диёримизга Биринчи Май қирмизи байроқлар ва транспарантлар, ям-яшил ўрмонлар ва далалар, оппоқ гулларга безанган боғ-роғлар билан кириб келди. Ватан бу байрамни — меҳнаткашлар Халқаро бирдамлик кунини тантанали нишонлади. Қардошлик иттифоқдош республикаларнинг ўзаги бир, ҳаёт-мамот тенглиги учун курашларда ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатлик ҳаммамизни бирлаштирган.

Ленинградда — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Ю. Ф. Соловьев, Киевда — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Щербицкий намойишчиларни самимий табрикладилар.

Иттифоқдош республикалар — Белоруссия, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Литва, Молдавия, Латвия, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Туркманистон, Эстониянинг партия ва совет раҳбарлари ҳам байрам намойишларининг, Биринчи Майга бағишланган бошқа тадбирларнинг қатнашчиларини табриклаб турдилар.

(ТАСС).







ТОШКЕНТ. 1989 йил 1 Май. Суратларда: В. И. Ленин номли майдонда байрам намойиши.

ЎзТАГ ва М. НАЗАРОВ фотолари.

Миллионлар ишончи:

ҚАЙТА ҚУРИШ МУСТАҲКАМЛАНАДИ ВА РИВОЖЛАНАДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

халқ ишончини оқлашлари, сайловчиларнинг наказларини бажаришлари, улар билан ҳамиша алоқа қилиб туришлари керак. Советларнинг жамоатчилик билан, жумладан ветеранларнинг ташкилотлари билан алоқасини янада мустаҳкамлаш керак, деб ҳисоблайман. Советлар ветеранларга ёрдам бериб келишяпти, албатта. Аммо, масалан, «Гамхўрлик» программаси ҳозирча фақат Самарқанд ва Наманган область Советларидагина кўриб чиқилди. Айни вақтда ветеранлар ҳам ўзлари яшаб турган жойларда ёшларни тарбиялашга доир ишларни кучайтиришлари зарур.

Дарҳақиқат, юртимизда бугун муаммолар анчагина, шу боисдан ҳатто байрам куни ҳам биз уларни унута олмаймиз. КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми ва Марказий Комитетнинг шундан кейинги Пленумлари қарорлари совет кишилари қўлига аниқ-пухта ишланган ҳаракат программаларини берди. Эндиликда, мақсадларимиз аниқ, йўлларимиз равшан, биз шу қарорларни амалга оширишимиз керак. Демак, буёғи сиз билан бизга боғлиқ.

Мана майдонга Тошкентдаги Октябрь ва Ленин, Чилонзор ва Киров районлари саноат корхоналарининг меҳнаткашлари кириб келмоқдалар. Партия қарорларининг бажарилиши, жумладан уларга ҳам боғлиқдир. Шу районларнинг меҳнаткашлари анчагина қийинчиликларни енгиб, кўпгина меҳнат зафарларига эришилар. Мана ҳозир минбарлар ёнидан «Средазкабель» бирлашмаси коллективи ўтиб бормоқда.

Бу корхонанинг юзлаб ишчиларини кооператорлар деб аташ мумкин. Сўнгги йилларда бирлашма давлат планларини сурункасига бажармай келди, қарз неча миллионлаб сўмга етди. Оғир вазиятда меҳнат коллективи кенгаши ташаббус кўрсатди. Ушбу кенгаш ишчилар билан маслаҳатлашиб, аҳвол оғир бўлган цехларни кооперативларга бериш ҳақида таклиф билан чиқди. Бирлашма раҳбарияти, партия комитети бу фикрни маъқуллашди.

Партком секретари К. Бегалиев бундай деди:

— Ўтган йили икки цех негизида «Виктория» ва «Связист» кооперативлари тузилган эди. Биринчи ойдаёқ улар шартнома мажбуриятларини бажаришди, товар маҳсулот ҳажми эса 60 процентдан 110 процентга ўсди. Ҳозир ишнинг ана шундай янги формасига 8 та цех ўтди.

Хўжалик юритишнинг янги формалари жорий этилганлиги туфайли, коллектив байрамга дуруст натижалар билан келди. Планга қўшимча 7 миллион сўмликдан кўпроқ товар маҳсулот тайёрланди.

Тошкент, май, қайта қуришнинг бешинчи баҳори. Омилкорлик муваффақият гарови эканлиги тўғрисидаги яна бир мисолни тилга олайлик. Ленин райони байрам колоннаси сафларида «Ташхимсельмаш» заводи коллективининг вакиллари ҳам бор. Корхона йил бошидан бўён топширикларни яхши бажарялти. Уларга ташаббус кўрсатиб ишлаш, фойда олишнинг янги йўлларини қидириш ёрдам бермоқда. Корхона партия комитети секретари С. Данцисннинг айтишича, ташаббус кўрсатиш учун ишчиларга катта имконият берилганлиги, эндиликда улар корхона эгалари бўлиб қолишлари бу ютуқларнинг гарови бўлди.

— Байрамолди натижалари қайта қуриш заводимизга ҳам дахлдор бўлиб қолганлигидан далолат бериб турибди. Ҳозир корхона аҳли ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширишга интилмоқда. Илгари биз ойига 400 тадан сал кўпроқ чанғлагич-пуркагич машиналар тайёрлар эдик. Хўжаликларга бу техника керакми, йўқми-барибир пулини олаверардик. Ҳозир эса колхозчилар ҳар бир тийинни ҳисоблайдиган бўлиб қолишди. Маҳсулотимизга буюртма ойига 250 та машинага тушиб қолди. Эндиликда биз кўпроқ эҳтиёт қисмлар тайёрлаш ҳаракатидамиз. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш анча кўпайди, ҳозир ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида бундай товарларнинг салмоғи кўпайиб, қарийб 50 процентга етди.

Тошкент, май, қайта қуришнинг бешинчи баҳори. Майдонга кириб келаётган одамлар оқимининг охири кўринмайди. Уларнинг қўлларидаги ол байроқлар баҳор шамолида енгил ҳилпирайди, ранг-баранг, анвойи гулдасталар кишн кўзини қамаштиради. Пойтахтдаги бир район меҳнаткашларидан сўнг иккинчи район меҳнаткашлари минбарлар олдидан ўтадилар. Улар ўзларининг қисқагина рапортларида қайта қуриш вақтида нималар қилишга улгурганликларини ҳикоя қиладилар.

Биринчи Май намойишининг турнақатор сафларида кўплаб хотин-қизлар бор. Уларни бугунги кунда нималар тўлқинлантиряпти? Тошкент шаҳар Куйбишев район хотин-қизлар кенгашининг раиси, район социал таъминот бўлимининг мудираси Гулнора Деҳқоновна Йўлчиевага шундай савол билан мурожаат қилдик.

— Бугун «хотин-қизлар масаласи» теварагида кўп баҳслар бўлмоқда. Хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги бандлиги муаммоси, айниқса ўткир бўлиб турибди. Кўп йиллар давомида бизда хотин-қизлар меҳнати жуда яхши йўлга қўйилган, деб ҳисоблаб келинарди. Аслида бундай эмас. Асосий муаммо шундаки, оналик ва тўлақонли ижтимоий фойдали меҳнатни кўнгилдагидек уйғунлаштириш учун зарур социалмаиший шароитлар яратилмаган. Ваҳолонки, бу муаммо тўла-тўкис ҳал қилиниши мумкин. Заводлар ва фабрикаларда хотин-қизларнинг 18 проценти ҳали ҳам тунги

(Давоми учинчи бетда).







ТОШКЕНТ. 1989 йил 1 Май. Суратларда: В. И. Ленин номли майдонда байрам намойиши.

УзТАГ ва Р. ШАРИПОВ фотолари.

Миллионлар ишончи:

ҚАЙТА ҚУРИШ МУСТАҲКАМЛАНАДИ ВА РИВОЖЛАНАДИ

Ўзбекистондаги Биринчи Май намойишларида иштирок этган юз минглаб кишилар партиянинг социал-иқтисодий янгиланиш, демократиялаш ва ошкораликни ривожлантиришга қаратилган йўлини қўллаб-қувватловчи сўзлар ёзилган шиорларни, транспарантларни кўтариб чиқдилар. Намойишчилар колонналари узра «Бутун ҳокимият —Советларга!» деган ана шу шиор ҳозирги кунда конкрет мазмун билан бойимоқда. Халқ Советларда чинакам ҳокимиятни, депутатлар тимсолида эса ташаббускор, дадил, жамиятнинг энг муносиб вакилларини кўришни истайди. 26 март куни ўтказилган сайлов амалдаги демократиялашни намойиш қилди.

Турли миллатга мансуб кишилар колонналар сафида шахдам қадам ташлаб ўтдилар. СССР барча халқлари куч-ғайратларини бирлаштирибгина партия ўртага қўйган ғоят катта социал вазифаларни бажаришга эришиш мумкин.

НУКУС. Қорақалпоғистон пойтахти байрамона либосга бурканиб яшнаб кетди. Янгиланишнинг ёркин белгилари яққол кўзга ташланиб, сезилиб турибди. Ҳозирги кунда улар қўл учида оқланган уйларда, жарангдор рапортлар ва маълумотномаларда эмас. Балки реал ишларда, одамлар ҳақидаги ғамхўрликда намоён бўлмоқда.

Орол бўйларида экология танглигини бартараф этиш ва санитария вазиятини нормаллаштириш, ўлка экономикасини тиклаш программаси амалда рўёбга чиқарилаётгани ана шунинг ёркин далилидир. Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилишига «Аралводстрой» ихтисослашган қурилиш бирлашмасининг меҳнатчилари ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бу бирлашма меҳнат коллективларининг энг яхши вакиллари байрамона безатилган В. И. Ленин номли майдондан ўз бурчини адо этишдан мамнуният туйғуси билан ўтдилар. Бўлинмаларнинг жуда кўпчилиги уйжой ҳамда социал-маиший объектлар қурилиши, суғориладиган ерларни ва коллектор-дренаж тармоқларини комплекс реконструкция қилиш планларини анча ортиғи билан адо этдилар. «Каракалпакводстрой», «Приаралводстрой», «Ўзкаракалпакводстрой» каби катта трестлар шулар жумласидандир.

Бошқа саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларининг коллективлари байрамолди вахтасида дуруст меҳнат қилдилар. Хўжалик юритиш янги методларининг кенг жорий этилиши уларга ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш топшириқларини муваффақиятли бажариш, қарийб бир ярим баравар кўп уй-жой биноларини топшириш имконини берди. Белгиланганидан кўп саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, фойда олинди, меҳнат унумдорлиги ошди.

* * *

ПСКЕНТ (Тошкент области). Район меҳнатчилари Биринчи Май намойишига яхши кайфият билан чиқдилар. КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми қишлоқ аҳолининг ташаббускорлиги ва омилкорлигини ривожлантириш учун кенг истиқболлар очиб берди. Районнинг тобора кўпроқ қишлоқ меҳнатчилари ижарачи бўлиб қолмоқдалар.

— Биз «Партия XXVI съезди» совхозидан бўрдоқичилик комплексини ижарага олдик, — дейди Ш. Ҳамроқулов. — Ҳозир юз бош танача парвариш қиляпмиз. Уларни ҳар кеча-кундузда 650 граммгача семиртиришга эришдик. Ишимиз қизиқарли бўлиб қолди. Тўғри, тонг саҳардан ишга туриб, қош қорайганда дам олишга кетаман. Аммо ҳисоб-китоблар харажатлар бир неча баравар ортиғи билан қопланишини кўрсатмоқда.

Бугун Пскентга келганлар орасида Охунбобоев номли колхоз раиси, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг делегати М. Авазов ҳам бор. Бу колхоз правлениесини «ўжар» дейишади. Правление «юқоридан» кўрсатма билан дон етиштириш тўғрисида шартнома тузишни истамади. Тазйиқ ҳам, панд-насиҳатлар ҳам ёрдам қилмади. Колхозчиларнинг аниқ иқтисодий ҳисоб-китоблари, салмоқли далиллари буйруқбозликдан зўр чиқди.

Пскентлик деҳқонлар бу йил ўз олдиларига ҳар гектар майдондан 30 центнердан пахта териб олиш, ўзини сабзавот, картошка билан тўла таъминлашга ўтиш вазифасини қўйганлар. Бу экинларни хўжаликларда ижарачилар етиштирадиган бўлишди.

* * *

АНДИЖОН. «Ротор» ишлаб чиқариш кооперативи аъзолари область марказидаги Октябрь майдонидан аъло кайфият билан ўтдилар. Улар Андижондаги «Электродвигатель» заводи намойишчиларининг байрам колоннасида боришмоқда. Етти ой муқаддам «Ротор» ана шу завод қошида очилган эди.

Кооператорлар қисқа муддат ичида катта ҳажмдаги ишларни бажардилар, булардан тушган иқтисодий самара ўнг минглаб сўмга тенг бўлмоқда. Гап шундаки, «Электродвигатель» заводида 1987 йилдан бошлаб давлат қабули ишга тушди. Давлат қабули электр моторларининг анчагинасини ҳақли равишда бракка чиқарди. Бу эса корхонанинг асосий маҳсулотидир.

Ўз ишининг тажрибали усталари — слесарь ва ремонтчилар, токарь ва синовчилар меҳнат қилаётган «Ротор» кооперативи корхона маъмурияти билан шартнома асосида ҳар бир иш сменасидан сўнг брак электр моторларини сифатли ремонт қила бошлашди. Кооператорлар турли маркалардаги чиқитга чиқарилган салкам беш мингта механизмни таъмирлаб, уларни республиканинг областларидаги муҳтож корхоналар, колхоз ва совхозларга бемалол сота бошладилар. Завод кассасига етти ой мобайнида 194 минг сўм пул тушди. Энди бу маблағлар социал ва маданий соҳани ривожлантиришга сарфланмоқда.

***

БУХОРО. Кўҳна шаҳар гўё ёшариб кетди. Минглаб намойишчилар улуғ Ленин номи билан аталган бош майдондан ўтдилар. Кўпгина меҳнат коллективларининг муваффақиятлари кишини қувонтирмоқда. Бухоро уйсозлик комбинати коллективига байрам арафасида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Ишлаб чиқариш илғори, мастер Р. Юнусов намойишда байроқни кўтариб ўтиш ҳуқуқига мушарраф бўлди.

Комбинатни областда энг асосий қурувчи деб бежиз аташмайди. Ўтган йили уйсозлик комбинати 71879 квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топширди. Бош пудрат бўйича бу йилги тўрт ой плани муваффақиятли бажарилди. Корхонада социал масалалар ҳал этилмоқда. Уй-жойга мўлжалларнинг барчасига уй берилди. Ҳар бир цех қошида соғломлаштириш маркази ташкил этилган.

Бухоро ип газлама буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг муваффақияти салмоқлидир. Корхонанинг чет эллар билан бевосита алоқалари кенгаймоқда. Йил охиригача 52 миллион сўмлик маҳсулотни экспорт қилиш планлаштирилмоқда. Тўрт ой мобайнида Венгрия, Покистон ва Кубага 16 миллион сўмлик буюмлар жўнатилди. Цехларнинг чет эл ускуналари билан жиҳозланганлиги бирлашмага ташқи бозорга чиқиш, буюмлар турини кўпайтириш имконини бермоқда. 500 дан ортиқ ишчи ҳозирги кунгача XII беш йилликдаги шахсий планларини адо этди. Йигирувчи Ф. Сулаймонова, мастер ёрдамчиси Х. Очилов, ип ўровчи М. Шодиева, тўқувчи Л. Негода шулар жумласидандир.

Колонналар бирин-кетин майдонга кириб келишмоқда. Меҳнаткашлар ўзларининг Коммунистик партия теварагидаги жипслигини, қайта қуришга муносиб ҳисса қўшишга интилишларини намойиш қилдилар.

***

ЖИЗЗАХ. Байрам намойишчилар колонналарида ёшлар жуда кўп. Йигит ва қизлар байрам юришини бошлаб боришди.

Интернационалист жангчилар колонналарда алоҳида ҳарбийчасига шахдам қадам ташлаб бордилар. Уларнинг аксарияти кўкрагидаги жанговар орден ва медаллар май қуёши нурларида порлаб турибди. «Афғонлар» — совет ёшларининг олтин активлари — ўзгалар орқасига яшириниб, ўз ҳаётини енгиллаштиришга кўникишмаган. Улар ҳозир ҳам олдинги сафда боришмоқда: қайта қуришда, Қарши чўлини ўзлаштиришда фаол қатнашиб, олий мактаб ва техникумларда таълим олишмоқда.

«Афғонлар» орасида Алексей Зубов ҳам бор. У байрам арафасида «Каршипромжилстрой» трести уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси бўлди. Алексей мазкур трестга қарашли 4-механизациялашган кўчма колонна монтажчиси, машинасозлик заводининг коллективлари бор.

* * *

САМАРҚАНД. Ортиқча дабдабаларсиз, ранг-баранг қилиб безатилган «Электробитмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг байрам колоннаси саф тортиб бормоқда. Шуниси муҳимки, транспарантлардаги даъватларни корхона меҳнатчилари ўз ишлари билан тасдиқлашмоқда. Бирлашма иқтисодий ислоҳот имкониятларидан фойдаланиб, қайтадан дунёга келмоқда. Меҳнат унумдорлиги жадал суръатлар билан ўсмоқда. Социал масалалар ҳал этилмоқда. Бу йил 21 мингта кўп холодильник ишлаб чиқарилади. Мутлақо янги музлатгич агрегати ишлаб чиқаришга тайёрланмоқда. У ҳозирги талабларга жавоб беради. Венгриялик мутахассислар янги йиғув линияларини монтаж қилишда кўмаклашмоқдалар. Халқ истеъмол моллари турлари кўпаймоқда. Коллектив ўтган йил якунларига кўра Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида тармоқ корхоналари орасида учинчи ўринни олди. Зиёлиларнинг вакиллари, мактаб ўқувчилари, студентлар ишчилар билан бирга Май байрами колонналаридан ўтишди. Уларнинг барчаси қайта қуришда фаол қатнашишга, КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишга ўз ҳиссаларини қўшишга қатъий бел боғлаганлар.

***

ТЕРМИЗ. Маъмур Ботиров бошчилигидаги комсомол-ёшлар бригадаси область марказидаги энг катта саноат корхонаси бўлган пахта тозалаш заводи ходимлари байрам колоннасининг олдинги сафларида борди. Бу бригада корхонада майолди мусобақасининг голиби бўлди. Коллектив тўрт ойлик топшириқни муддатидан илгари бажарди. Ремонт заводи, ёғ-мой комбинати, 167-қурилиш трести, тикувчилик ва пиллакашлик фабрикасининг ишчи ва хизматчилари, ҳайдовчилар, газчилар, мелиораторлар шулар жумласидандир.

Шаҳарнинг кўпгина ишлаб чиқариш коллективлари байрамга муносиб меҳнат туҳфалари билан келдилар. «Зангори ёнилғи»ни мамлакат марказий районлари ва Уралга жўнатиш тўрт ойлик планини ўрта Осиё магистрал газ қувурлари бошқармаси коллективи анча ортиғи билан адо этди. Қурувчилар фахрланса арзигудек ишлар қилишди. Улар уй-жой қурилиши суръатларини анча жадаллаштиришди. Бунинг эвазига шаҳарда илк маротаба квартира олишга навбат кескин қисқара бошлади. Биринчи Май арафасида шаҳарликларга якка тартибда уй-жой қуриш учун қарийб ўттиз гектар ер ажратиб берилди.

Шаҳарнинг коммунал-маиший хизмат корхоналари катта иш қилдилар. Йўллар, шаҳар кўчалари реконструкция қилинди, янги савдо расталари, ярмаркалар, аттракционлар пайдо бўлди. Шаҳар маданият ва истироҳат боғида одамларни жуда кўп қизиқарли ва мароқли нарсалар кутаётган эди. Биринчи Май байрами сайл билан тугади.

* * *

ФАРҒОНА. Ҳатто об-ҳаво инжиқликлари ҳам фарғоналикларнинг байрам намойишига халақит бера олмади. Область марказидаги бош майдондан турли миллатдаги минглаб кишилар бир колоннада ўтдилар. Улар кўтариб борган транспарант ва шиорларда қайта қуришни конкрет ишлар билан мустаҳкамлашга, демократия ва ошкораликни ривожлантиришга, тинчлик учун курашда фаол қатнашишга даъват этилади.

Область деҳқонлари ижара ва оила пудратини жорий этиб, ўзларини ернинг чинакам соҳиби деб ҳис қилиб, кўкламги юмушлар билан яшашмоқда. Далаларда рўзғор, озуқабоп экинларга дастлабки комплекс ишлов берила бошлади. Магазин пештахталарида янги ҳосил сабзавоти пайдо бўлди.

Байрамда муваффақиятлар ҳақида гапириш яхши. Лекин уларга ўз-ўзидан эришилмайди. Бунинг учун ҳар бир киши ўз ўш жойида сабот билан меҳнат қилиши зарур. Партия ташаббуси билан бошланган инқилобий ўзгаришлар ҳар бир киши учун кенг имкониятлар очиб бермоқда. Область меҳнатчилари КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ўртага қўйган вазифаларни бажаришга қатъий бел боғлашган.

Майдон узра КПСС шарафига, бугунги кунда меҳнатда энг яхши натижаларга эришаётган кишилар шарафига мадҳиялар янгради.

* * *

Кутилмаганда совуқ тушганлиги ҳам Ўзбекистон меҳнатчиларининг байрам кайфиятини буза олмади. Биринчи Май тантаналари марказий майдонлардан бог ва клубларга кўчди, оммавий халқ сайилларида республикамизнинг юз минглаб аҳолиси қатнашди. Барча совет кишилари сингари улар ҳам турмушимизнинг ҳамма соҳаларини қайта қуришга, демократияни янада ривожлантиришга қаратилган Ленин партиясининг йўлини яқдилик билан қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор этдилар. КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини амалга оширишга бутун куч билан кўмаклашишга қатъий аҳд қилинганлиги намоён бўлди.

Ўзбекистон Ахборот агентлигининг мухбирлари Қ. БАҚОЕВ, Ё. ВЕЛИЧАНСКАЯ, П. ВОДОЛАЗОВ, Л. ЕЛИЗАРОВ, Ю. ИБРОҲИМОВ, Л. ЛЕВИН, К. НИЗОМОВ, Л. ТОКАРЕВ, Н. ХЎЖАЕВА, В. ШУМАИЛОВ.

(Давоми. Бошн биринчи ва иккинчи бетларда).

сменаларда ишлаётганликларига тоқат қилиб бўлмайди. Хотин-қизлар бандлиги муаммосини оила билан боғламай туриб ҳал этиш мумкин эмас. Мамлакатимиздаги барча кўп болали оналарнинг учдан бир қисми яшаётган республикамиз учун бундай хулосалар, айниқса муҳимдир. Уларга ёрдам бериш учун болани тарбиялашга бериладиган тўловли отпусканни кўпайтириш керак. Нафақа тўланаётганида ҳам аёлнинг иш стажига оналик вазифасини бажаришга сарфлаган йиллар ҳам қўшилиши лозим. Болали оналарга қисқартирилган иш куни белгилаб қўйиш зарур.

Тошкент, май, қайта қуришнинг бешинчи баҳори. Бугунги кунда совет кишиларининг тобора ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун кўп иш қилинмоқда. Ўзбекистон мисолидагина бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланилаётганлиги кўриниб турибди. Янги, илғор иш усуллари ўзига кўпинча қийинчилик билан йўл очади. Ҳозирча бюрократик-маъмурий аппарат ниҳоятда кучли бўлиб турибди. Ишнинг буйруқбозлик-тазйиқ ўтказиш услубининг жони жуда қаттиқ экан. Лекин шунга қарамай, ҳозирги пайтда барчамиз одамлар эркин нафас олаётганликларининг, ташаббусларига катта йўл очилаётганлигининг гувоҳи бўляпмиз.

Бундан бир неча кун илгари В. И. Ленин туғилган кунининг 119 йиллиги шарафига ўтказилган Коммунистик шанбаликни эслайлик. Шанбаликка ҳеч ким «мажбуран» чиқмади, шовқин-сурон, дабдабабозликлар, қилинмаган ишни қилинди, деб кўрсатишлар бўлмади. Одамлар шанбаликда ишлаб топган ўз маблағларининг ҳаммаси ўз ихтиёрларида бутунлай қолишини илк бор билдилар. Дастлабки натижаларга қараганда, одамлар меҳнат байрамида одатдагига қараганда камроқ қатнашган бўлсалар ҳам, маҳсулотни анча кўп ишлаб чиқарганликлари маълум бўлди.

Ушбу шанбалик қатнашчиларининг кўпчилиги ҳозир шу ерга, В. И. Ленин номли майдонга келганлар. Биз уларнинг кўпчилиги билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдик. Уларнинг ҳаммаси: «Тўғри иқтисодий ислоҳот, жамиятимизни янада демократиялаш ҳозир қайта қуриш йўлида мавжуд бўлган қийинчиликларни енгишимизда бизга ёрдам беради», деган якдил фикрни билдирдилар.

Майдондан Тошкент машинасозлари, тўқимачилар, уйсозлар, пўлат магистралларнинг меҳнаткашлари саф тортиб ўтмоқдалар. Уларнинг ҳаммасига ҳам осон бўлаётгани йўқ: хўжалик юритишнинг янгича шароити мунтазам равишда кўп куч-ғайрат сарфлаб, тер тўкиб меҳнат қилишга мажбур қилмоқда. Бироқ Тошкент пролетариати вакиллари учун зарбдор меҳнат ҳеч қачон вақтинчалик бўлмаган. Мана, ҳозир ҳам, корхоналарнинг кўпчилигида ташаббус кўрсатиб ижодий меҳнат қилиш учун барча шароитлар яратилаётган вақтда ишчилар умумдорликни ошириб, тоборе кўпроқ ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиб, ўзларининг энг яхши фазилатларини намоён қилишмоқда.

Тошкент, май, қайта қуришнинг бешинчи баҳорн. Сафсаф бўлиб минбарлар олдидан ўтаётган намойишчилар орасида кўплаб ёш ва ғайратли йигит-қизларни кўриш мумкин. Майдон узра уларнинг шарафига шундай шиор янгради: «Комсомоллар, йигит ва қизлар! Билимларни, меҳнат ва ижтимоий фаолият кўникмаларини сабот билан эгаллайверингиз! Қайта қуришда фаол қатнашингиз!».

Бизнинг жамиятимизда ёшлар доимо энг яхши ишларнинг ташаббускори бўлганлар. Мамлакатимиздаги энг ажойиб кишилар комсомол мактабидан ўтишган. Лекин кейинги ўн йиллар мобайнида ана шу жамоат ташкилотининг обрўси ва нуфузи пасайиб кетди. Ёшлар орасида бугунги кунда комсомол қандай бўлиши керак, комсомол билан ёнма-ён иш олиб борадиган, қайта қуриш вазифаларини ҳал этишга қодир бошқа бир уюшма керакми, деган мавзуда кўплаб қизғин баҳслар бўлмоқда. Узбекистон ёшлар ташкилотлари комитети раисининг ўринбосари Ириспуҳаммад Абдукаримов биз билан ўз фикрларини ўртоқлашди:

— Ўзбекистонда рўй берағётган ўзгаришлар биринчи навбатда ёшларга дахл қилаётганлигини бутунлай қонуний ҳол деб ҳисоблайман. Кўпгина бошланғич ташкилотлар, республика комсомолининг бошқа структуравий бўлинмалари ҳам шу даражада тўпланишиб кетдиларки, улар ёшлар муаммоларини ҳал этишга қодир эмаслар. Бизнинг ёшлар ташкилотлари комитетимиз кўп йиллар мобайнида чет эллардаги ёшларнинг турли бирлашмалари билан алоқалар ўрнатиш ва бу алоқаларни қўллаб-қувватлаш билангина шуғулланиб келдилар. Тўғри, халқаро алоқалар муҳимдир. Лекин бугун республикамизда ўзимизнинг бир дунё муаммоларимиз бор. Мен ички сиёсатда қайта қуришга фаол кўмаклашишни ёшлар ташкилотлари комитетининг энг асосий мақсадларидан деб биламан. Ўзбекистонда бизнинг комитет қудратли иқтисодий базага, ўзининг ҳуқуқий мақомига эга бўлган ёшлар ташкилотларининг кўнгилли уюшмасига айланиши керак деб қаттиқ ишонаман. Бу ишда ижодкор ёшлар, ишчи ва қишлоқ ёшлари, талабалар бирлашмалари лозим.

Тошкент, май, қайта қуришнинг бешинчи баҳорн. В. И. Ленин номли майдон узра Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига, мамлакатимиз халқлари бузилмас интернационал қардошлиги шарафига хитоблар янгради.

Тошкентдаги намойиш ниҳоясига етмоқда. У партия билан халқ бирлигини, меҳнаткашларнинг бутун жамиятимизни янгилаш жараёнига бошчилик қилаётган КПСС Марказий Комитети теварагига янада маҳкамроқ бирлашишга интилаётганликларини яна бир бор тасдиқлади.

Республика пойтахтининг В. И. Ленин номли майдонида бошланган байрам тантаналари, халқ сайиллари маданият ва истироҳат боғлари ҳамда хиёбонларда, маданият саройларида, кинотеатрларда ярим кечагача давом этди. Байрам мушкбозлигидан Тошкент осмони ёришиб, ажиб бир манзара касб этди.

Репортажни УзТАГ мухбирлари В. ГЛАДИЛОВ, В. ДРАЧЕВ, Н. ПОЛЯНСКАЯ олиб бордилар.

Республика далаларида

Яна бир синов

● Қизил байроқли коллективдаги ишлар

● Пухта ўйланмаган «тадбир» оқибати

● Табиат миришкорларни яна бир синовдан ўтказмоқчи

● Об-ҳаво инжиқликларини уюшқоқлик, омилкорлик ва ишнинг кўзини билиб, енгиб ўтайлик

Дўстлик районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанлиги ҳақидаги хушхабар хўжалик деҳқонларини янги меҳнат зафарларига руҳлантирди. Буни бугунги дала ишларининг боришидан ҳам сезиш мумкин. Механизация ёрдамида очилган 825 гектар майондаги ток сўриларга кўтарилиб, озиқлантирилмоқда. Оилавий пудрат аъзолари токларга ишлов бериш, ҳашаротларга қарши кураш тадбирларини вақтида ўтказишга ҳаракат қилишяпти.

М. Дониёровлар оиласи эртапишар «Китоб сулхаги» навидан янада мўл ҳосил олиш иштиёқида далага чиқишган. Тажрибали деҳқон турмуш ўртоғи Кумуш, ўғиллари Маъмур, Маъруф ҳамда келинлари билан ток новдаларини тараш билан банд.

— Ўтган йилги муваффақиятларимиз боиси оилавий ҳамда коллектив пудрат асосида меҳнат қилганимизда, — дейди М. Дониёров. — Муҳими, совхозимиздаги барча оилалар меҳнатнинг бу усулида ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Бектемировлар оиласи ҳар гектар ердан 127 центнердан, Х. Қиличева коллективи эса 124 центнердан ҳосил олишди. Чўл шароитида бу катта ютуқ. Ҳозир кўпгина звенолар уларнинг тажрибасига тайяниб иш юритаётирлар.

Совхоз меҳнатчилари 37 гектар ердаги қовун-тарвуз, 40 гектар майдондаги сабзавотни ҳам сифатли парваришламоқдалар. 130 гектардаги беда, силос учун экилган маккажўхори ҳамда озуқабоп лавлагининг ривожи яхши.

Шу билан бирга ишнинг янада олға силжишига тўғаноқ бўлаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, яқинда область агросаноат комитети совхоздаги консерва заводини хўжалик ихтиёридан олиш ҳақида буйруқ чиқарди. Аслида завод совхознинг ажралмас қисми эдики коллективнинг алоҳида фаолият кўрсатиши ҳар икки томонга ҳам қулай эмас. Ҳатто у зарар келтиради.


Чунки, биринчидан совхозда 400 тонна мева-сабзавот сақланадиган омборхона бор. Яна минг тонна маҳсулот асраладиган жой ҳозирланяпти. Бу эса бошқа хўжаликлардан маҳсулот олиш, уни маълум муддат сақлаб туриш имкониятини яратади. Завод ихтиёрида эса маҳсулот сақлайдиган ернинг ўзи йўқ. Янгидан қуришга кучи, маблағи етмайди. Иккинчидан, завод совхоз ихтиёрида бўлса, қайта ишланадиган маҳсулотларни планли тарзда олиб туриш қулай бўлади. Ортиқча сарф-харажат, исрофгарчиликларнинг олди олинади. Учинчидан, заводда тез-тез мавсумий ишчиларга зарурат туғилиб туради. Завод совхоз қарамоғида бўлса, муаммо ўз-ўзидан ечиларди. Қолаверса, ўтган йили хўжаликда завод фаолиятини яхшилаш, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари гурини кўпайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Шу ўринда совхознинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқишида завод билан ҳамкорликдаги фаолият алоҳида ўрин тутганлигини ҳам айтиб ўтиш керак.

— Завод 1988 йилда совхоз ихтиёрига ўтгач, 300 минг сўм соф фойда олди, — дейди хўжалик бош иқтисодчиси Ш. Яссоқов, — Ўз навбатида икки коллектив бир бўлган пайтларда совхоз ҳам яхши даромад қилган. Жумладан, 1983 йилда бир миллион 200 минг сўм, 1984 йилда эса 727 минг сўм даромад қилинган. Аксинча, завод совхоздан ажратилган 1985—1987 йилларда бу кўрсаткич 364—326 минг сўмга тушиб қолди. Бу даврда завод давлатдан дотация олишга мажбур бўлган. 1988 йилда завод яна совхоз ихтиёрига ўтгач, хўжалик фақат маҳсулот реализация қилишдан 860 минг сўм фойда кўрди.

Кўриниб турибдики, қўшиб-ажратишлар оқибатида ҳар икки томон зарар кўрмоқда. Қолаверса, юқорида таъкидланганидек, совхоз маъмурияти заводда ишлаб чиқарилаётган шарбатлар, консервалар турини, ҳажмини кўпайтириш, янгиянги цехлар очиш тадбирларини ҳам кўриб қўйган. Завод асосан, айнан мана шу боғдорчилик-узумчиликка ихтисослаштирилган хўжаликда тайёрланаётган маҳсулотларни қайта ишлаш мақсадида ташкил этилган экан, ҳар икки коллектив фаолиятига сунъий тўсиқлар қўйиш шартмикин?

Кутилмаганда деҳқонлар олдида яна бир тўсиқ пайдо бўлди. Апрель ойининг охири ва май бошларида республикамизнинг кўпгина жойларида ҳаво бирдан совиб кетди. Баъзи ерларга қор ҳам тушди. Натижада кўплаб довдарахтларни, экин-тикинларни совуқ урди. Миришкорлар учун яна бир синов бошланди. Улар об-ҳаво инжиқликлари олдида шошиб қолмасликларига шубҳа йўқ. Деҳқонлардан қатъият билан ҳаракат қилиш, илғорлар тажрибасини омилкорлик билан кенг қўлланиш, бутун куч ва имкониятларини сафарбар этиб, қайта экишларни илож борича тезроқ якунлаш талаб этилади.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Шўрчи районидаги Киров номли колхознинг 13-комсомол-ёшлар бригадаси 63 гектар майдондан 33,6 центнердан пахта етиштиришни планлаштирди.

Суратда: бригада етакчиси Ойсоат Зокирова.

Е. Ботиров фотоси.

«ИНСОН ВА ТАБИАТ» КОНКУРСИ ҒОЛИБЛАРИ

Табиатни муҳофаза қилиш эвазига ва қисқа метражли фильмлар республика конкурсининг якунлари чиқарилди. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш жамияти республика кенгашининг президиуми жюри қарорини тасдиқлади ва **биринчи** ўринни «Эртага кеч бўлади» фильмига ва «Наштар» киножурналининг «Овчи-ми?. Йўқ, браконьер» киносюжетига, **иккинчи** ўринни «Биз ичаётган сув тўғрисида» фильмига берди.

Телевидение ва радио эшиттиришларида табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини энг яхши ёритганлик учун республика конкурси якунлари чиқарилди. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш жамияти республика кенгашининг президиуми ва Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг коллегияси конкурс жюриси қарорини тасдиқладилар ва республика радиоси редакциялари коллективлари орасида **биринчи** ўринни ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар бош редакциясига; **иккинчи** ўринни қишлоқ хўжалиги учун эшиттиришлар бош редакциясига; **учинчи** ўринни болалар ва ўсмирлар учун эшиттиришлар бош редакциясига бердилар.

Область редакциялари орасида **биринчи** ўрин Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун эшиттиришлар бош редакциясига; **иккинчи** ўрин Бухоро область радиоэшиттиришига; **учинчи** ўрин Наманган область радиоэшиттиришига берилди.

Радиожурналистлар орасида қуйидагилар энг яхши журналистлар, деб эътироф этилди: **биринчи** ўринни К. Ҳайдаров (республика радиоси қишлоқ хўжалик эшиттиришлари бош редакцияси); **иккинчи** ўринни Т. Боровникова, Т. Сиротина (Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун эшиттиришлар бош редакцияси); **учинчи** ўринни Е. Волинкина (чет эллар учун эшиттиришлар бош редакцияси) ва Д. Жетере (республика радиоси музикали эшиттиришлар редакцияси) олдилар.

Ўзбекистон Телевидениеси коллективлари орасида **биринчи** ўрин «Ахборот» бош редакциясига; **иккинчи** ўрин илмий-оммабоп ва ўқув программалари бош редакциясига; **учинчи** ўрин кинопрограммалар бош редакциясига берилди.

Тележурналистлар орасида қуйидагилар энг яхши журналистлар, деп топилди: **биринчи** ўринни Т. Содиқов (сценарий муаллифи), Т. Раҳимов («Ахборот» муҳаррири); **иккинчи** ўринни Л. Карцева, Т. Камолов, Н. Бобожонов (Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун эшиттиришлар бош редакциясига); **учинчи** ўринни Ю. Ким (Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун эшиттиришлар бош редакциясига) олдилар.

Конкурс совриндорлари мукофотлар ва дипломлар билан тақдирландилар.

(ЎзТАГ).

● *Ватандош табриги*

ИЛҲОМ БЕРГАН ДИЁР

Хорижий эллардаги ватандошлар билан маданий алоқалар бўйича «Ватан» жамиятининг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси шоири ва олими Талъат Носирий Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. У 1 Май байрами қувончлари билан ўртоқлашди.

— Мен авлод-аждодларим туғилиб ўсган Тошкент диёрига меҳмон бўлиб келганлигимдан ғоят хурсандман. Султон бобом 1907 йилда савдо йўли билан Хитойнинг Шинжон вилоятига бориб қолган. Носир дадам бошлиқ оиламизда ўзбек миллий анъаналарини тўла сақлаб қолганмиз. Ҳозирда менинг тўрт фарзандим бор. Ўғлим Эргаш Ленин номидаги Тошкент давлат университети шарқшунослик факультетига ўқишга кириш ниятида бу ерга келди.

Мен, ўғлим Эргаш, қизим Лола 1 Май байрамини боболаримиз шаҳрида кутиб олаётганлигимиздан чексиз қувончдамиз.

Хитой ва Совет Иттифоқи ўртасидаги қадимий дўстлик алоқалари яна ҳам ривожланмоқда. Бунга яққол мисолкатда кенг кўламда бораётган қайта қуриш ишлари кучли мадад бўлмоқда.

Мен бастакор сифатида Комил Яшиннинг «Нурхон» асарига музика басталаган бўлсам, таржимон сифатида Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» пьесасини уйғур тилига таржима қилдим. Бу асар Урумчи, Ғулжа, Қашқар театрлари саҳналарида зўр муваффақият билан ўйналмоқда.

А. ПЎЛАТОВ ёзиб олди.

● *Қизиқ гаплар*

ДАСТХАТ НАРХИ

● Нью-Йоркда ўтказилган аукцион — ким ошди бозорида XVIII аср маърифатпарвари ва давлат арбоби, АҚШ мустақиллиги ҳақида декларация муаллифларидан бирининг дастхатини сотиб олиш учун харидор ўн бир минг доллар тўлади. Агар Бенджамин Франклиннинг дастхати шунчалик юқори баҳоланган бўлса, АҚШ собиқ президенти Картер имзолари ҳам ундан «кам» бўлмади. Юз нафар ишқибоздан биронтаси ҳатто 75 долларга унинг дастхатини харид қилишни лозим топмади.

ЭГИЗАКЛАР ФАБРИКАСИ

● Нигериянинг чоғроқ Игбо-Ора шаҳрини шундай деб аташади. Бу ерда бор-йўғи 50 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шунга қарамай, шаҳарчада йилига 100 нафар эгизак ва учталаб бола туғилади. Бунинг боиси ҳозирча илмий асосланганича йўқ. Лекин мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига қараганда, кўплаб эгизакларнинг туғилиши маҳаллий аҳолининг ўзига хос овқатланиши билан боғлиқ экан.

ЎҒРИЛАНГАН ЭТИК

● Яқинда Гаити пойтахти Порт-о-Пренс шаҳрида замонавий пойабзаллар кўргазмаси очилди. Кўргазмага кираверишда улкан этик осиғлиқ турарди. Бу пойабзални тикиш учун 13,900 квадрат дицеметр юқори навли чарм ва икки килограмм мис мих ишлатилган. Этикнинг ичига 15 нафар киши сиғган. Афсуски, кўргазма очилганлигининг учинчи куни этик йўқолди. Полиция бундай ўғриликнинг боиси этик сифатли чармдан тайёрланганлиги, деган хулосага келди.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

Ахборот

НАМАНГАН

Сўзлашишни ўрганиб

● Область партия комитети сиёсий маориф уйида партия, совет ташкилотлари ходимлари учун ўзбек тилини ўрганиш курси очилди. Унда область шаҳар партия, совет ва бошқа ташкилотларнинг тўпгиздан ортиқ ходими ўзбекча сўзлашишни ўрганишмоқда. Наманган педагогика институти доценти Турдиали Бойқўзиев курсга раҳбарлик қилмоқда.

Шунингдек, Наманган педагогика институтида эски ўзбек ёзувини ўрганиш курси иш бошлади. Уч ойга мўлжалланган бу курсга партия, комсомол ўқуви пропагандистлари, мактабларнинг она тили ва адабиёти ҳамда тарих ўқитувчилари ва бошқалар қабул қилинди. 40 киши икки группага ажратилиб, уларга профессор Одилжон Носиров, доцент Муҳаммаджон Юсуповлар араб алифбеси сирларини ўргатишмоқда.

Амалий ҳамқорлик

● Бугунги кунда 150 дан ортиқ наманганлик оила РСФСРнинг Киров областида яшаб, меҳнат қилмоқда. Яқинда яна 80 дан кўпроқ оила кардошлар диёрига жўнаб кетди.

Кейинги икки йил мобайнида кировликлар билан наманганликлар ўртасида дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланди. Жумладан, ўтган йили Киров областида Наманган область маданияти кунлари ўтказилди. Киров—Наманган радиокўприги ўюштирилди. Наманган боғларида етиштирилган шириншакар мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари кировликлар дастурхонини безади. Кировликлар ҳам бир неча бор наманганликларнинг азиз меҳмони бўлдилар. Булардан ташқари улар наманганликларга ёғоч материаллари, картошка, зотдор бузоқлар жўнатишмоқда.

Сўфизодага ёдгорлик

● Ўтган йили Тўрақўрғон районидаги Сўфизода номли 33-мактабда бундан бир неча йиллар олдин шу билим даргоҳида таълим-тарбия олган собиқ ўқувчиларнинг учрашуви бўлган эди. Ўқувчилар ўшанда халқ шоири хотирасини абадийлаштириш учун маблағ тўплаш тўғрисида маслаҳатлашишди. Яқинда ана шу ташаббус туфайли Сўфизода туғилган кун шарафига мактаб ҳовлисида унинг бюсти ўрнатилди.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● *Жабрдийдалар ном-нишонсиз кетмайди*

КУЛБАЛАРГА ЎТ ҚЎЙИШГАНИДА...

Уни гитлерчи босқинчилар мамлакатимизга ҳужум қилишганидан кейин орадан бир кун ўтгач қамоққа олишди. Ҳўш, фашист айғоқчисини ушлашдими? Ёки узоқ йиллардан бери хуфиёна ишлаётган Абвер резидентини қўлга олишдими? Сира бундай эмас, гарчи «тиришқоқ» терговчилар унга шундай айб қўйишга тайёр бўлсалар ҳам, сира у айғоқчи бўлмаган эди... Терговчилар эса ҳибсга олинган кишига ҳар қандай айбни қўйишга қодир эдилар.

Биз, 1914 йилда туғилган, миллати рус бўлган, Иван Дмитриевич **Сорокин** ҳақида гапирмоқчимиз.

У Оренбург областининг Алексеевка қишлоғида туғилган, ишчилар оиласида тарбияланган. Қамалган вақтида комсомол аъзоси эди. Қамалишига қадар Тошкентдаги темир йўл транспорти инженерлари институти талабаси бўлган.

1941 йилнинг сентябрь ойида Тошкент область судининг ҳукми билан кесилган. ҳукмдаги қуйидаги сўзларга эътибор беринг: «Советларга қарши кайфиятда бўлган Сорокин 1939—1941 йилларда студентлар ўртасида партия ва ҳукуматнинг тадбирларига қарши аксилинқилобий ташвиқот олиб борди, Совет Иттифоқидаги меҳнаткашларнинг аҳволига туҳмат қилди. Қизил Армия тўғрисида аксилинқилобчидек гапирди».

Айблов илгари қамалиб кетган гувоҳларнинг ва Сорокин дўстим деб билган туҳматчиларнинг сўзларига асосланган. Гувоҳларнинг айтган гапларига қараганда, «Сорокин студентлар ётоқхонасида яшаганида, дўстлари билан турли муаммоларни муҳокама қилар экан, кўп марталаб бўлмагур гапларни айтган...» Хўш, у нима ҳақда гапирган? Масалан, Сорокин фин фронтида қўшинларимиз чекинишди, чунки урушга тайёргарлик кўришмаган экан, деган ёки дўконлардан зарур товар топилмаяпти, бозорда эса ҳамма нарса қиммат... деб айтган.

Шу кунларда биз тирикчилик ҳақида гапирар экан-миз, деярли ҳамма ҳар куни шу ҳақда гапиради. Буни биров гуноҳ гап деб билмайди. Ўша кезларда эса терговчилардан Сухолозов ва Мамедов оғизларидан кўпик сачратиб, унга бақиришган эди: «Ҳозир айтасан, кимнинг топшириғи билан ишлагансан, душманнинг итвачваси?!» Сорокинни роса калтаклашди, қўл, оёғидан ушлашиб полга зарб билан отишди.

У қўйилган айбларни тан олмади, терговда ҳам, кейинчалик судда ҳам студентлар даврасида ўзи айтган гаплар гувоҳларнинг маълумотларида бузиб кўрсатилганини айтишдан чарчамади. Аммо, шунга қарамасдан, ҳукм чиқарилди: у 8 йил озодликдан маҳрум этилди, шундан кейин эса 3 йил мобайнида ҳуқуқсиз, сургунда юрадиган бўлди. Шимолий Уралдаги Ивдель лагерида, кейинчалик эса машъум Усольлагерида ўрмон кесиб, «жазо»ни ўтади. Фронтга, штраф батальонига жўнатишларини сўради. Бундайлар кўп эди. Улар рад жавоби олишди: «гуноҳингни» шу ерда юв, деган дағдаға эшитишди.

«Гуноҳини ювди»: фронтдаги авиация учун тахта тайёрлашда жон куйдириб ишлагани учун ҳукмдан икки йилни олиб ташлашди, уч йил мобайнида ҳақ-ҳуқуқсиз юрмайдиган бўлди. 1947 йилда Тошкентга қайтиб келди. Аммо, фақат эндигина батамом оқланди. Ўзбекистон ССР прокурорининг протести билан республика олий суди Сорокиннинг жиноий ишини қайтадан кўриб чиқди, олий суд бу жиноий ишда юридик жавобгарликка тортиш учун ҳеч қандай асос йўқ, деб топди. Шу иш юзасидан суд қарори бекор қилинди, жиноят аломати бўлмагани учун иш тўхтатилди.

...Орамизда ҳали ҳам сталинизм тарафдорлари бор, улар оғиз қўпиртириб, «Улуғ доҳий ва доно устоз» сиёсий душманга қарши курашган, мамлакат ичидаги «айғоқчилар уясини» сезиб олиб, йўқ қилиб ташлаган, деб даъво қилмоқдалар.

Сорокин иши қандай «душманлар»ни қирғинбарот қилишганининг ёрқин далилидир. Дарҳақиқат, Сорокин ўша ҳаммамизнинг ёдимиздан кўтарилмайдиган июнь ойида фронтда бўлгани, муқаддас юртимизга бостириб кирган ҳақиқий душман йўлини қўлига милтиқ ушлаб тўсгани маъқул бўлмасмиди? «Ёш, куч-ғайратли йигит эса Усольск ботқоқликларида азоб-уқубат чекиб юрди... Эҳтимолки у биринчи жанг-даёқ ҳалок бўлармиди. Сорокин фронтга бормоқчи эди. Душман билан олишишни орзу қиларди, буни бахт деб биларди. У барча билан биргаликда она-Ватанимизни ҳимоя қилиб, курашишни ва она юрт учун жон фидо этишни орзу қилди. Фақат пешонасидаги «душман» деган тамғани олиб ташлашларини, ҳалол, мардона туриб ўлишни ўйларди.

Миллион-миллион кишилар қисмати ана шундай бўлган эди.

Наҳотки, умрбод жўяк тортиб, экин экканасл ўзбек деҳқонлари ишчи ва деҳқонлар давлатининг сиёсий негизларини емиришга уринишган бўлса? Наҳотки, эски замонда кўпчилиги саводсиз бўлган, янги ҳокимият даврида-ги муҳтожликдан қутилишни орзу қилган ана шу кишилар Совет ҳокимиятига қарши ташвиқот олиб боришган бўлса.

Йўқ, улар янги ҳокимиятнинг душманлари эмас эди ва душман бўлишни исташмас ҳам эди. Эҳтимол улар маҳаллий амалдорлардан норози бўлишгандир. Баъзи нарсаларни тушунмасдан, баъзи нарсаларга шубҳа қилишгандир... Аммо, бу жиноят эмас-ку. Деҳқонлар ўша пайтда ҳам жиноятчи бўлишмаган, ҳозир ҳам уларни жиноятчи деб аташ жоиз эмас. Аммо шунга қарамасдан 1930 йилнинг 19 май куни Ўрта Осиёдаги давлат сиёсий бошқармаси бўлими ҳузуридаги «уч кишидан иборат гуруҳ» собиқ Андижон округидаги қуйидаги шаҳрихонлик деҳқонларни қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Ҳасан-Хожиев Мамат Бойбачи, 1880 йилда туғилган. Яккатут қишлоғида яшаган. Саводсиз, партиясиз;

Миразизов Мамадориф, 1864 йилда туғилган, Назар-Маҳрам қишлоғида туғилиб ўсган. Чаласавод, партиясиз;

Отахонов Мадраимхўжа, 1881 йилда туғилган, Ўрта қишлоғида туғилиб ўсган, чаласавод, партиясиз;

Сайидэшонов Тўражонтўра, 1863 йилда туғилган, Қўрғонча қишлоғида туғилиб, ўсган, саводсиз, партиясиз.

Ўша йилнинг охирларида, яъни мамлакатда оммавий коллективлаштириш авж олиб кетган бир даврда «уч кишидан иборат гуруҳ» мажлислари тез-тез бўлиб турди. Декабрь ойида ана шу «учлик» қарори билан қуйидагилар «халқ душманлари» деб эълон қилинди ва қесиб юборилди:

Отахонов Қирғизбой, 1880 йилда туғилган,

Аҳмадбоев Ҳусанбой, 1882 йилда туғилган. Иккови ҳам Наманган районидаги Дурқун қишлоғида туғилиб ўсган;

Ғойиббердиев Муллаусмон, 1885 йилда туғилган, Наманган районидаги Мучум қишлоғида яшаган.

Воҳидов Бобомурод, 1875 йилда туғилган, Эскибухоро райони Ҳаргуш қишлоқ жамоасидаги Камди қишлоғида туғилиб ўсган;

Зокиров Омон, 1887 йилда туғилган, Султонобод районидаги Чуқурак қишлоғида туғилиб ўсган;

Бобоев Тоҳир, 1857 йилда туғилган, Шофиркон районидаги Хўжариф қишлоғида туғилиб ўсган;

Шоҳназаров Сайид, 1868 йилда туғилган, Эскибухоро район Лош қишлоқ жамоаси Лайлак қишлоғида туғилиб ўсган;

Раҳмонов Холмуҳаммад, 1870 йилда туғилган, Эскибухоро районидаги Лош қишлоғида туғилиб ўсган;

Фармонқулов Мамарозиқ, 1887 йилда туғилган, Наманган районидаги Бешкапа қишлоғида туғилиб ўсган.

Буларнинг ҳаммаси ўзбеклар, асл деҳқонлардир. Улар эндигина хат-савод чиқаришган эди, партияга ёки бирон-бир партиявий ёки партиясиз гуруҳларга аъзо бўлишмаган. Шу боисдан ҳам янги тузумга сира қарши чиқишмаган ҳам эди.

Лекин бу билан ҳеч кимнинг иши бўлмаган. «Буюк бурилиш» мамлакатдаги деҳқонлар бошига не-не кулфатларни солмади дейсиз. «Юқори»дан ўтказилган қишлоқдаги ўша революцион бурилиш деҳқонларни колхозларга мажбуран киритишни мақсад қилиб қўйган эди, аслида эса бу «бурилиш» илгари замонларда бўлган барча инқилобларнинг «Қулбаларда тинчлик бўлсин, саройлар қуласин!» деган ажойиб шиорининг оёғини осмондан қилди.

Сталиннинг машъум «еб тўймас зиндони» одамларни ўз қаърига тортар экан, бутун халқни қўрқув исканжасига солишни мақсад қилиб қўйди. Шундай қилиб, «улуғ мураббий»нинг мустабид ҳокимияти қарор топди, «халқлар отаси» бунёд этган маъмурий бюрократик аппарат илдиз отаверди.

1930-1931 йилларда давлат сиёсий бошқармаси бўлими ҳузуридаги ўша «уч кишидан иборат гуруҳ» Ўрта Осиёда судга бериб ўтиришни хаёлига ҳам келтирмай қуйидаги ўртоқларни лагерларга жўнатди, она юртдан жудо этиб, сургун қилди ва бошларига бошқа маломатлар солди.

Тўронқулов Абдувоҳид, 1870 йилда туғилган, ўзбек, Жарқўрғон районидаги Оқтепа қишлоғида яшаган, чаласавод, партиясиз, деҳқон.

Муродов Абдулла, 1904 йилда туғилган, ўзбек, Бойсун районидаги Даҳнажом қишлоғида яшаган. Саводсиз, партиясиз, деҳқон;

Муродов Султонхўжа, 1880 йилда туғилган, ўзбек, Бойсун районидаги Авлиё ота қишлоғида яшаган. Саводсиз, партиясиз, деҳқон;

Тошев Рўзи Вадал, 1877 йилда туғилган, ўзбек, Шофиркон районидаги Ғаллабута қишлоғида яшаган. Саводсиз, партиясиз, чорвадор;

Саидов Аширбой, 1876 йилда туғилган, ўзбек, Ромитан районининг Пески қишлоғида яшаган, партиясиз, деҳқон;

Нуров Жума 1868 йилда туғилган, тожик, Сариосиё районидаги Ғазарбек қишлоғида яшаган. Саводсиз, партиясиз. Қамалгунича деҳқончилик қилган.

Ўзбекистон ССР Олий суди шу кишиларнинг иши юзасидан протестларни кўриб чиқиб, буларнинг бирортасида ҳам шу одамларни жавобгарликка тортиш учун асос топмади. Улар халқ ва давлат олдида сира айбдор эмас. Бу кишилар батамом оқланди. Лекин афсуски, уларнинг кўпчилиги энди бу хушхабардан сира бохабар бўла олмайди.

Аммо, уларнинг қариндош-уруғлари, ҳамқишлоқлари, уларни кўрган-билган кишилар бундан хабардор бўлиб қўйишлари керак.

А. БАРАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 01203. Б. — 104. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12